

Баркамол авлод



Энг катта бойлигимиз

Ўзбекистонда болаларнинг ҳар томонлама камол топишига катта эътибор қаратилаяпти. Таълимнинг ўзбек модели сифатида Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бир-бирини тўлдириб, ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида талаба-ўқувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган катор тадбирларда тармоқ касабга уюшма ташкилотлари фаол иштирок этаётир.

Марказий кенгаш тасарруфидоги ташкилотлар ҳисобидан жорий йилнинг уч ойида 3786 та кам таъминланган ёш оилага, 415 нафар ёш онага моддий ёрдам берилди. 130 нафар аёлнинг туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилни узайтирилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 9372 та оиланинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликларни харид қилди. 2009-2010 ўқув йилида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган 41 нафар етим талабанинг контракт пули тўлаб берилди, 80 нафар кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи талабага устима стипендия тасвис этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касабга уюшма кенгашлари томонидан ҳам ушбу ўқув йили учун устима стипендиялар тасвис этилиб, талаба-ўқувчиларга мунтазам бериб борилаётган.

Марказий кенгаш ва Гулистон давлат университетини ҳамкорлигида январ ойида университетнинг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 60 нафар талабаси «Ботаника» санаторийида соғломлаштирилди ва «Камолот — келажак таянчи» киши фаоллар мактаби ташкил қилинди.

Наврўз байрами муносабати билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ва «Меҳр-мурувват» фонди ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Наврўз ва қадриятлар» республика танлови ўтказилди.

Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 22-28 март кунлари «Бўстон» санаторийида умумий ўрта таълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва дарсликларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ўқув-семинар ташкиллаштирилди. Унда умумтаълим мактабларининг 160 нафар таърибали ўқитувчиси қатнашди ҳамда бир ҳафта давомида «Бўстон» санаторийида соғломлаштирилди.

Меҳнатқашларнинг фарзандларини соғломлаштириш касабга уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу йил ёзда тармоқ бўйича 60 та шаҳардан ташқари оромгоҳда 21 минг бола дам олдирилди. Бундан ташқари, мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларда болаларни дам олдиришга ҳам эътибор қаратилади. Дам олувчиларнинг 34 фоизига йўлнамалар муассаса ва ташкилот ҳамда касабга уюшма кўмиталарининг қарори билан бепул берилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғ-

ломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси қарорига кўра мактаб, коллеж ва лицейлар қошида кундузги оромгоҳларда дам олдириладиган болалар сонини кўпайтирилади. Бу борада Сирдарё вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан мактаблар қошида кўшимча 300 та, соат 8.00 дан 13.00 гача ишлайдиган оромгоҳлар ташкил этилади. Уларда 15 минг нафар бола таътил кўнларини мароқли ўтказиш учун шароит яратилди. Болаларнинг хоҳишига кўра турли маданий тадбирлар, мусобақалар ўтказилади. Ўқувчилар бир марта енгил овқатлантирилади. Бунинг учун 45 млн. сўм маблағ сарфланади. Наманган вилоятида 28 та коллеж қошида 3455 нафар бола дам олдирилади. Фарғона вилоятида 48 та, Қорақалпоғистонда 10 та коллеж ва лицей қошида кундузги оромгоҳ ташкил этилади. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Хуллас, мавсумда болаларни дам олдиришга ҳомий ва мутасадди идоралар билан ҳамкорликда пухта замин ҳозирланмоқда.

Баркамол авлод тарбиясига хизмат қиладиган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг жорий этилиши эртазим эгаларининг соғлом, илиги тўқ, суюги бақувват бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Бу тизим биринчи синф ўқувчиларидан олий ўқув юрти талабаларигача қамраб олган. Ушбу мусобақаларни ўтказишда Марказий кенгашнинг ҳам ҳиссаси бор. Қоғизларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш аниъанага айланган.

2009 йили Сирдарё вилоятида ўтказилган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақасига тайёрларлик ишларига қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши 600 млн. сўм маблағ ажратди. «Универсиада — 2010» мусобақаларига ҳам касабга уюшмаси ҳисса қўшди.

Хозир Фарғона вилояти Бешарик тумани Рапқон қишлоғидаги «Устоз» санаторийини қайта ташкил қилишга қўмаклашиш ҳамда санаторийда ёш болалар ва талаба-ўқувчиларни соғломлаштиришни йўлга қўйиш, Самарқанд шаҳрида ёш туристлар учун меҳмонхона ташкил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, Марказий кенгаш тасарруфидоги «Ниҳол» оромгоҳини ёзги мавсумга тайёрлаш юзасидан иш олиб борилаётган.

Бугун Халқаро болаларни ҳимоялаш куни. Тармоқ касабга уюшмаси фаоллари байрам муносабати билан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари ҳолидан хабар олиб, уларга, шунингдек, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига совға-салом улашадилар.

Муроджон ШАРИФЖОНОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

Сермазмун ва серзавқ

— Болаларнинг оромгоҳдаги ҳар куни сермазмун ва серзавқ кечилишига ҳаракат қиламиз, — деди Хоразм вилоят маънавият-тарғибот маркази раҳбари Ҳабибулла Ҳайдаров. — Бунинг учун марказ томонидан махсус режа ишлаб чиқилган. Ўтган йили актёрлар Комилжон Тожибоев, Гулнора Раҳимова, шоирлар Матназар Абдулха-

ким, Оллаберган Пўлатов билан ўтказилган учрашувлар болаларда катта таассурот қолдирган эди.

Бу йил ҳам воҳанинг истеъдодли ижодкорлари оромгоҳларда бўлиб, дам олувчилар билан бугунги юксалиш, ватанпарварлик ва бошқа мавзуларда суҳбатлашади.

Маънавият ва тарғибот маркази Хоразм вилоят бўлими томонидан оромгоҳларда

«Энг яхши китобхон», «Энг яхши расом», «Ифодали ўқиш» танловларини уюштириш аниъанага айланган. Ушбу танловлар ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъдодларни кашф этиш ва рағбатлантириш, фарзандларимизнинг китобга меҳрини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Бундай танловлар Баркамол ав-

лод йилида ҳам ўтказилади. Шунингдек, «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ота-она, кўёш-ой», «Огоҳлик бурчи, хушёрлик масъулияти», «Спорт — тинчлик элчиси» мавзусида маърифий суҳбат, воҳа ижодкорлари иштирокида «Истиқлол мушоираси», «Одоб — инсоннинг зийнати» мавзусида давра суҳбати, уруш қатнашчилари иштирокида «Ватанни асраш муқаддас бурч», «Икки авлод учрашуви» каби тадбирларни уюштириш белгиланган.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА

Юрт эркатойлари

Шахрисабзнинг табиати мафтункор ва бетакрор. Оромгоҳимиз шаҳарнинг ям-яшил дарахтларга бурканган масканида жойлашган. Бош хомий бўлмиш «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси ва «Хисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси томонидан ҳар йили 100–150 млн. сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Бултур бу ерда 2300 бола соғломлаштирилган бўлса, бу йил 2400 ўғил-қиз дам олади. Ҳар мавсумда бош етакчи Алишер Зокиров, тарбиячилар Гулноз Эшалиева, Райрат Ҳафизов бошчилигида болалар ҳар бир кунни мазмунли ўтказишади. Соҳибқирон Амир Темур даврида қурилган Оксарой калъаси, Қўқумбаз, Шайх Шамсиддин Қуллол мабарраси ва истиқлол йилларида очилган Амир Темур миллий маданият музейи ва бошқа осори-атикалар ёш ашхларда аҳолий таассурот қолдириши шубҳасиз.

Оромгоҳимизда «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», «Уйла, изла, топ» уйинлари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш аниъанага айланган. Театрлаштирилган томошалар, шоу дастурлари болаларга хуш кайфият улашади.

Лутфулло ҚАРИМОВ, Беруний номи оромгоҳ бошлиғи

Давлатимизда ратификация қилинган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциядир. 1992 йили ушбу конвенцияга қўшилган мамлакатимиз бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор мажбуриятларни зиммасига олди. Бундан ташқари, конвенция талабларига мувофиқ давлатимиз БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда ушбу конвенция қондаларини бажариш юзасидан даврий ҳисоботларни тақдим этади.


Ҳуқуқлар кафолати

2001 йилда Ўзбекистон ҳуқумати томонидан «БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаси» қабул қилинди. Бундан мақсад бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқишдир. Бунинг натижаси Улароқ 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. У бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш йўли билан болаларни, жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишни назарда тутади.

Маъмур қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияда, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сийбосатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, қасб-қилмашига йўл қўймайлик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг асосларини такомиллаштириш, вояга етмагачлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни қамайтиришга, ювенал адлия тизимини яратиш ҳамда ривожлантиришга қўмаклашиш каби бир қатор қондалар мустаҳкамланган.

Қонуннинг 6-моддасида бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш



органлари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг иштироки хусусида сўз юритилган. Яхши биламизки, маҳаллаларда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ёшларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда маънавият-тарғибот марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар органлари, «Соғлом авлод учун» ва «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари ҳамкорлигида мунтазам равишда тарғибот-таъшиқот ишлари олиб борилаётган.

Ҳар жиҳатдан етук, ватан раванқига муносиб ҳисса қўша оладиган баркамол авлодни тарбиялаш бир йиллик ёки бир муддатлик иш эмас. Бунга ҳар бир киши масъулдир.

Азизбек ЭРҒАШЕВ, ТДЮИ ўқитувчиси, Қувондиқ ҚУРҒАНОВ, магистр

Фарзандларнинг келажаги катталарнинг қўлида. Чунки уларнинг тўғри ё нотўғри йўлга киришида ота-онанинг роли катта. Бола тарбияси учун нафақат ота-она, балки маҳалла кенгаши ҳам масъулдир.

ҲИММАТ

Болаларимиз ўқишдан бўш вақтида бекор қолмаслиги учун ҳудудимиздаги 30-мактаб спорт залини таъмирлаш ишларига маҳалла аҳли ҳам ҳисса қўшди. 2 июндан мактаб қошида ёзги-кундузги оромгоҳ ишга тушди. Болалар лагерда зерикмаслиги учун футбол ва баскетбол тўпларини олиб беришни

режалаштирганмиз.

Тарбияси оғир болалар мактаб раҳбарияти ва бизнинг эътиборимизда. Вақти келса, дарсдан бўш вақтларида шахсан ўзим уйма-уй юриб уларнинг ҳаёти-ҳаракатидан хабар олиб туришдан эринмайман.

Мактабни таъмирлаш учун 227 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мактаб ҳовлиси ва атрофини ободонлаштиришда ҳомийларимизнинг ҳиссаси катта. Айниқса, Қўйраб тумани йўл таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Худойберган Тўлаганов ва тадбиркорларимиздан бири Элмурод Турсуновдан маҳалла аҳли миннатдор. Умуман, маҳаллада қўлдан иш келган одам борки, болалар учун ёрдамни аямайди. Бундай меҳр ва ғамхўрликни ҳис қилиб улғайган болалар келгусида эл-юртнинг қорига ярайдиган зарбардаст инсонлар бўлиб етишишига ишонамиз.

Ақром КЕНЖАЕВ, Қўйраб тумани «Ўнқўрғон-1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси



Ғамхўрлик

Сардоба туманидаги Баҳмал маҳалласида истиқомат қилувчи ногирон болаларга Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан саховат кўрсатилди.

Икки иқтидорли ўқувчи — Дилноза Жуманова, Махлиё Содиковна қимматбаҳо совға ва компьютер топширилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган бундай хайрли тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Мактаб-интернат ҳовлисида байрам руҳи ҳукмрон. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Ёқимли мусиқа садолари болалар қувончига қувонч қўшмоқда. Уларнинг юзидоги бегубор табассум ҳеч қимми бекор қолдирмайди. Шу паллада ўқувчиларнинг севимли танловидоги иштироки натижалари эълон қилинди. Мухими, болаларнинг ҳаммасига «Камолот» ЕИХ, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ва хомий ташкилотлар, саховатпеша инсонларнинг совғалари топширилди. Шундан кейин болалар тўқин дастурхонга таклиф этилди.

Ҳамишша

Вилоят кўғирчоқ театрининг таширифи билан кўнгилоҳлар тадбирлар бир-бирига улашиб кетди.

Бухоро шаҳридаги 27-маҳсус болалар ва ўсмирлар мактаб-интернатда нишонланган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни шодиёнаси ана шундай шодонлик билан ўтди.

— Бу ерда 272 нафар ногирон бола таълим-тарбия олади, улар ҳамишша эъзода, — дейди мактаб-интернат директори Ҳалима Нуруллаева. — Болаларнинг даволаниши,

яшаш ва дам олиши, соғломлаштирилиши, ўқитилиши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши учун давлатимиз томонидан ҳар йили бир миллиард сўм атрофида маблағ ажратилади. Бунинг учун юртбошимиз ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдираман...

Ўқувчилар мактаб-интернатга вилоят психологик тиббий-педагогик комиссиясининг хулосаси ҳамда халқ таълими бошқармасининг йўлнамаси билан қабул қилинади. Улар учун етарли

Эъзозда

шарт-шароит бор.

Болалар ҳар куни тўрт маҳал овқатлантирилади, ўқитилади ва соғломлаштирилади.

Интернатда барча махсус дарсликлар мавжуд. Шунингдек, 7700 нусхадан зиёд китобга эга кутубхона ҳам улар ихтиёрида. Ҳар бир синфда «Синф кутубхонаси» ташкил этилган. Ҳар йили апрел ойида китоб ҳафталиги доирасида «Энг китобхон қувчи», «Энг китобхон ўқувчи», «Энг шеърхон ўқувчи» каби танловлар ўтказилади. Ўқувчиларнинг саломатли-

ги, билимдонлиги учун жонқуярлик қилаётган муаллим ҳамда шифокорлар кўпчилигини ташкил этади. Айниқса, лопонд ўқитувчилар Мавлуда Фуломова, Мамлакат Бозорова, шифокорлар Раъно Абдураҳмонова, Манзура Шарипова, психолог Хулқар Розикова, жисмоний тарбия ва даволаш гимнастикаси мураббийи Раъно Ҳамроева ҳамкасбларига ўрناк бўлапти.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, Комила БОЙМУРОВОВА, «Ishonch» муҳбири



МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

«Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси

Ушбу нотижорат, нодавлат жамоатчилиги хайрия ташкилоти 2002 йил 22 ноябрда ташкил қилинган. У Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, БМТнинг болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияси ва фонд уставига асосан фаолият олиб боради.

Таъкидлаш лозимки, юртимиз Марказий Осиёнинг аҳоли зич joyлашган ҳудуди ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг 45 фоизи 18 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. 2009 йилги маълумотга кўра мамлакатимизда етим ёки ота-она қаровисиз қолган болалар 28 та меҳрибонлик уйи, 13 та гўдақлар уйи (6 ёшгача бўлган болалар учун) ва 100 та махсус интернатда тарбияланади. Фонд ҳимойликка муҳтож бўлганларнинг хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқади. Етим ёки қаровисиз қолган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга алоҳида эътибор берилди.

Унинг асосий вазифаси — жамоатчилиги кўмағига муҳтож бўлган ёш болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, мукамал ривожланиши, муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратиш беришидир. Шу билан бирга, жамиятда оиланинг ўрни нақадар муҳимлигини ҳисобга олиб, кам таъминланган оилаларга ҳам кўмак беради.

Жамғарма болаларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, шахсиятининг мукамал ривожланиши, руҳий, жисмоний ва маданий тарбиясига эътибор қаратиш, юридик, тиббий, руҳий ва бошқа ёрдам кўрсатиш мақсадида фаолият кўрсатади.

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига қарашли ташкилот ҳисобланади. РБИММ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- институционал муассасалар тарбияланувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг инновацион шаклини жорий этиш;
— меҳрибонлик уйлари тарбияланувчи болалари ва Тошкент шаҳридаги ногирон болалар бўйича идоралараро маълумотлар базасини яратиш;
— ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун ахборот-консалтинг хизматини ташкил этиш;
— ушбу соҳада ислохотларни амалга ошириш юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштириш мақсадида жамоатчилик кенгашини ташкил қилиш;
— олий ўқув юртлирида ижтимоий ходимларни тайёрлаш ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига кадрларни қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича бўлимларни вужудга келтириш ҳисобланади.

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича РБИММ мутахассислари иштирокчида «Бола ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида», «Ювенал адилия тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тайёрланди.

Инклюзив таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган асослар ҳақидаги моддалар киритилган «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. 2007-2008 йилларда «Вояга етмаган болаларни асраб олиш ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги, «Оилавий типдаги болалар уйлари ҳақида»ги низоми ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ташкилот Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги қарори билан ташкил этилган бўлиб, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.



Меҳр уйғотар

Болаларнинг қўлгуси қалбингизда меҳр уйғотлади, чарчоқларингиз қаергадир ғойиб бўлади. «Болаларга беринг дунёни» каби широрларнинг мақсади ҳам бегубор болалик оламнинг серзавқ онларини янада мазмунли ўтказишга кўмаклашидир.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

— Бугунги тадбирдан мақсад болалар қувончига қувонч қўйишдир, — деди Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг ўринбосари полковник С.Авезов. — Қолаверса, юрт мулофаси йўлида жон берган ватандошларимизни доимо хотирлаб туришимиз керак. Уларнинг фарзандларига ғамхўрлик қилиш бизнинг бурчимиздир.

Тадбирда сўзга чиққан соҳа мутасаддилари болаларни байрам билан табриклади. Шундан сўнг болаларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Тадбирнинг иккинчи ва учинчи қисмлари, айниқса, болаларда катта таассурот қолдирди. Улар аввал «Диснейленд» маданияти ва истироҳат боғи аттракционларида мазза қилиб ўйнаган, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам дастурхонига тақриф қилинди. Бир сўз билан айтганда, тадбир болалар учун ҳақиқий байрамга айланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Танлов

Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номли вилоят мусикали драма театри ўзига хос фусункорлик касб этган. Чўчки бу ерда Ўзбекистон ёкилиги-энергетика комплекси, кимё санъати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Она ва бола» 9-республика танлови ўтказилмоқда.

— Танловни ўтказишдан мақсад аёллар ва ёшларнинг дунё-қарашини ўстириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъаналар, умуминсоний қадриятларни қадрлашга ўргатишдир, — деди Марказий кенгаш раиси Гўлбарҳор Ҳасимова. — Бундай маданий-маърифий тадбирлар тар-

моқ ходимлари ўртасида ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлаш, меҳнат самардорлигини оширишга хизмат қилади. Танловда «Ўзэлектртармок» унитар корхонаси муҳандиси Н.Зиёвуддинова ва ўғли Ф.Ҳикматуллаевнинг Барқарор авлод йилига бағишлаб тайёрлаган сахна кўриниши,

«Андижон электр тармоқлари» ОАЖ муҳандиси У.Зияевнинг фарзанди М.Ўқубожонова ижросидаги «Ўзбегим йилгитлари» рақси, «Навоийазот» ОАЖ муҳандиси А.Ҳамроевнинг фарзанди И.Сафаров ижросидаги «Қамчи бос» рақси алоҳида эътироф этилди. Танловда Тошкент вилояти

вакиллари — «Максам-Чирчик» ОАЖ лаборанти Д.Юсупбоева ва қизи А.Машхурова 1-ўрин, Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасига қарашли тиббий тозалик қисми катта хамшираси Н.Абдурахимова ва қизи Ш.Шерова 2-ўрин, Бўхоро нефть ва газ санъати касб-хўнаро коллежида ўқитувчиси Д.Полвонова ва ўғли Ш.Тоҳиров 3-ўринни эгаллади. Ғолибларга Марказий кенгашнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби

Хоразмда 14 ёшгача бўлган болалар сони 590 минг нафарни ташкил этади. Бу йилги соғломлаштириш мавсумида 11720 бола оромгоҳларда хордик чиқариб, саломатлигини тиклайди. Хозиргача уларнинг 72 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди.

Комиссия танлаб олади

Вилоятда 38 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларни тиббиёт ходимлари ва дори-дармон билан таъминлаш вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига, назорати эса бизга юклатилган.

Айни чоғда оромгоҳлардаги тиббий хоналарнинг жиҳозланиши, дори-дармон билан таъминланиши яқунланаётир.

Бундан ташқари, 1000 нафар боланинг Тошкент шаҳри ҳамда вилояти оромгоҳларида дам олдирилиши кўзда тутилган. Махсус комиссиялар ҳулосасига кўра у ёққа асосан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кўп болали ва кам таъминланган оила фарзандлари юборилади.

Дарвоқе, аъзоларимизнинг ўғил-қизларини соғломлаштириш режасига асосан 250 нафар бола вилоятимиздаги «Шодлик», «Автомобилчи», «Ғайрат» оромгоҳларида имтиёзли ва бепул дам олади. Шунингдек, 78 нафар бола Тошкент шаҳри ва вилояти оромгоҳларига боради.

Шавкат АВЕЗОВ, Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кенгаши раиси



Миллий филмлар намоиши

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ёшларни ватанга муҳаббат, тарихга ҳурмат, миллий истиқлол ғоясига сардоқ руҳида тарбиялашга йўналтирилган филмлар намоишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Республика-мизнинг барча оромгоҳларида «Ўзбеккино» буюртмаси асосида суратга олинган «Қасамёд», «Қатта ойи», «Тоғда ўтган қувнок ёзи», «Чол ва набира» каби бадиий, «Сумалак ва минг тилак», «Хўнарманд шаҳзода», «Олтин танга», «Музаффарнинг тушлари» сингари мультипликацион ҳамда «Томоша»нинг жаҳон узра томошалари, «Улар бизнинг келажакимиз», «Бахтли болаликнинг бир кўни» номли ҳужжатли филмлар намоиши этилади. Шунингдек, киночилар билан бўладиган давра суҳбатлари болалар қалбига унутилмас таассурот қолдириши шўбҳасиз.

300 дан ортиқ дастур

Болаларнинг дам олиши учун барча шароитни яратишга «Ўзбеккино» эстрада бирлашмасининг худудий бўлинмалари ҳам муносиб ҳисса қўйиш ниятида. Жумладан, оромгоҳларда 300 дан ортиқ санъаткор ўз дастурини намоиши этиши мўжжалланган. Таниқли эстрада хонандалари, «Нихол» мукофоти совриндорлари, «Ягонасан, муқаддас ватан!» танлови ғолиблари дилбар қуй ва қўшиқлари билан таътилнинг кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилади. Феруза МУРТАЗОЕВА

Эртаминг эгалари



Йилларда тутилган болалар ва қизлар ўртасида Республика олимпия захиралари ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчиси Анастасия Бойкова уч хатлаб сакраш бўйича 14-26 августда Сингапурда бўлиб ўтadиган биринчи Осиё ўйинларида йўлланмани кўлга киритди.

Қолаверса, сентябр ойида оромгоҳлардан қайтган болалар ўртасида «Умумий жисмоний тайёргарлик» ва «Махсус жисмоний тайёргарлик» мусобақалари ўтказилади. Бу тадбирлар уларнинг оромгоҳларда машқларини қандай ўзлаштирганини намоиши этиш имконини беради.

Бу йил ҳам бир қатор оромгоҳлар мавсумга шай. Енгил атлетика мактаби тарбияланувчилари «Стрельцова» академик эшак ошиши, байдарка ва каноэда эшак ошиши тарбияланувчилари «Чорвоқ», сузиш ва сувга сакраш тарбияланувчилари «Меҳржон», қиличбозлик ва велоспорт тарбияланувчилари «Кизилсой», тоғ чангиси мактаблардан жисмонан соғлом ва маънан етук спортчилар етишиб чиқмоқда. Мисол учун, яқинда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи Осиё чемпионатида 1993-1994

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах туман «Кулама» фуқаролар йиғинидаги «Дилноза» 13-мактабгача таълим муассасасида «Ҳаёт ҳавфсизлиги асослари» ўқув дастури бўйича олиб борилётган машғулотлар қизиқарли ва таъсирчанлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Фавқулодда вазиятда сиз нима қиласиз?

Муассаса педагоглари фавқулодда вазият рўй берганда болаларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш учун бутун куч ва маҳоратини аямаяпти. Шу мақсадда алоҳида хоналар ажратилган, фуқаро муҳофазаси бурчаги, техник воситалар ва стенд, буклет, фотоалбом каби кўплаб курғазмалар қўйилган. Машғулотлар ҳар ойда бир марта тарбияланувчилар ва ота-оналар иштирокида ўтказиб келинапти. Айниқса, олий тоифали педагог Озода Азизова, тарбиячилардан Гулчехра Раҳимбердиева ва Мадина Мавлоновалар уюштирган «Фавқулодда вазият болалар амалиётида», «Болалар ва йўл ҳаракати», «Ҳаёт ҳавфсизлиги эътиборда» мавзусидаги суҳбатлар тингловчиларда

катта қизиқиш уйғотди.

Йил бошида туман миқёсида ўтказилган тажриба-синов машғулотлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарлигида ташкил этилган машғулотларда аҳолининг муҳофазаланиш бўйича хозирлиги кўриқдан ўтказилди.

Тўрт босқичли машғулотларни тумандаги барча МТМда режа асосида ўтказиш таъсис қилинди. Икки йилдирки, 13-МТМ ЮНИСЕФ аъзосидир. Яқинда ушбу нуфузли ташкилот таълим муассасасини ўтган ўқув йилида эришган ютуқлари учун «Ройсон» телевизори ва ўт ўчириш воситалари тўплами билан мукофотланди.

Абдулла САИДОВ

Тармоғимиз аъзоларининг фарзандларини соғломлаштириш доимий эътиборимизда. Бу йил 300 нафар болани Коракалпоғистондаги «Орол болалари» ва «Ойдин йўл» оромгоҳида дам олдириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 175 нафар фарзанди Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда бепул хордик чиқаради. Айни чоғда уларни тиббий кўриқдан ўтказиш жадал давом этаётир.

Совғалар топширилди

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан кенгашимиз томонидан Таҳиатов меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига спорт жиҳозлари, республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига, республика болалар сил касалликлари, республика кўп тармоқли болалар ва республика болалар соғломлаштириш санаторийларига рангли телевизор совға қилинди.

Лиза БОЙБЎСИНОВА, Коракалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси кенгаши раиси

Она истаги

Юқоричирчик туманидаги 10-мактабда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни олдидан «Она истаги — фарзандлар баркамол бўлсин» адабий кечаси ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси туман кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси бирлашган туман кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда 200 дан ортиқ юқори синф ўқувчиси иштирок этди. Тажрибали ўқитувчилар Мавлуда Абдурайимова, Муҳаббат Қосимовалар юртимизда бўлаётган катта ўзгаришлар, ёшларга кўрсатилётган эътибор ҳақида фикрларини билдиришди.

Ўз навбатида, ўқувчилар томонидан Навоий ва Бобур ғазаллари ёддан айтилиб, сахна кўринишлари намоиш этилди.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Латифжон МАНСУРОВ Юқоричирчик тумани Кавардон қишлоғи

Моҳият

Қадимда пайдо бўлган турли диний, мифологик маросим ва урфлар бизнинг кунгача етиб келган. Ана шундай қарашлар сирасига сеҳрли рақамларни ҳам киритиш мумкин. Улардан айрими диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлмасдан, халқ оғзаки ижодида аънанавий рамз сифатида кенг қўлланади.

Фолклордаги сирли учлик



Ўзбек фолклориди уч йўлнинг гайритабиий хусусияти билан боғлиқ қарашлар турлича. Фолклоршунос Баҳодир Саримсоқовнинг ёзишича, кинначилар йўлнинг уч томонга айрилган жойидан тупроқ олиши аънанаси, аввало уч сонининг мағик хусусияти билан боғлиқ экан. Уч йўл, ўз навбатида, эзгулик ва ёвузликнинг ажралиши, бир-биридан узоклашиши ҳамдир. Бунда ҳамма вақт яхшилик ва ёмонлик кучлари сарланади. Кинна удумида уч йўл рамзига алоҳида диққат қилиниши бежиз эмас. Мазкур тасаввурларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниб олиш учун, аввало, уч йўл ҳақидаги мифологик қарашларнинг тарихий асосларини ўрганиш, бу аънананинг ўзбек фолклоридида муштарак мотивлари билан қиёслаб кўриш лозим. Чунки ўзбек эртақларида уч йўл — борсақелар, борсақелмас ва борсахатар тасвири мағик эътиқоднинг пайдо бўлишини тушунишга ёрдам беради.

Эртақлардаги аънанавий уч йўл мотиви қахрамоннинг сафар йўналишини белгиловчи муҳим бадиий унсурлардан бири ҳисобланади. Хусусан, «Абулқосим» эртагида пишган тарих номаълум сабабларга қўра пайхон этилаверди. Подшонинг уч ўғли навбатма-навбат пойлоқчилик қилади. Фақат учинчи кеча қўлга тушган девлар кенжа ботирга ўз тулпорининг туқидан бериб, қўтулиб кетишади. Гаройиб отларни излаб сафарга отланган уч ака-ука олдидан учта йўл чиқади. «Мамажон ва Қундуз» эртагида сафар сабаби зотдор отларнинг йўқолиши бўлса, «Мир подшо»ида шох тушида қўрган тилла қафас ичидаги гаройиб булбулни излаб йўлга чиққан ака-укаларнинг олдидан учта йўл чиқиб қолади. Одатда бундай эртақларда машаққати номидан маълум борсақелмас йўли кенжа ботирнинг чегига тушади. Қўрқоқ акалари эса борсақелар ва борсахатарни танлашади.

Уч йўл мотиви қадимги туркларнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Боболаримизнинг эътиқодига қўра уч йўл уч оламга олиб боради, яъни борсақелар — замин, борсахатар — само, борсақелмас — ер ости дунёси рамзидир. Ҳўш, фолклор асарларида, кундалик турмушда амал қилганидан удумларда учлик аънанасига бу қадар катта аҳамият берилишининг боиси нимада? Маълум бўлишича, уч рақамнинг тимсоллаштирилиши ва бу соннинг сеҳрли ҳодисалар қаторидан ўрин олиши қадимги санок усулларидан бири — учлик санок системаси билан боғлиқ экан. Гап шундаки, тараққиётнинг қуйи босқичларида қадимий қабибаларнинг санок системасида икки ёки учта рақам бўлган. Уч сони эса охириги рақам, яъни санокнинг сўнги ҳисобланган.

Ҳали бармоқда ҳисоблашни ўрганмаган қабибаларда учдан юқори микдор тушунчаси кўп сўзи билан ифодаланар эди. Инсоният тарихининг тетапо даврида уч рақами узок вақтгача санокнинг чеки вазифасини бажарган. Болалар ўйинларидаги аънанавий айтимда ҳам уч рақами маълум ҳаракат ёки ҳолатнинг чегарасини, муайян нуқтасини аниқлатади. «Бир, икки, уч, учдан кейин пуч» айтими қадимги санокнинг ўйин фолклоридида қўлланганидан санама матнига айланган кўринишидир. Санок системаси ривожланиб, ҳисобда бармоқдан фойдаланишга ўтишга, ибтидоий одамнинг микдор ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгайди. Авваллари сон-саноксиз бўлиб кўринган доғдаҳатлар, ҳайвонлар, қуролларни санаш имконияти пайдо бўлган. Бора-бора учдан кейинги рақамлар муайян номлар билан атала бошлашга, санок системаси бойиб, қачонлардир охириги рақам вазифасини бажарган уч ўз мавқеини йўқотди. Аммо учни санокнинг чеки сифатида тушуниш аънанаси қадимги одам онгида шу қадар чуқур из қолдирганки, маросим ва удумларда, фолклор асарларида, санъат ёдгорликларида ҳатто бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Наргиза ХОЛМАТОВА, ЎЗМУ талабаси

Хайр, Андижон, салом, Бухоро

Андижонда мамлакатимиз олий ўқув юртлири талаба-ёшларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари ниҳоясига етди

(Боши 1-бетда)

Универсиада бу гал ҳам юртимиз талаба-ёшларининг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибиди 1800 нафарга яқин йигит-қиз ўзаро кураш олиб борди. Мусобақалар спортнинг 12 тури бўйича ўтказилди. Спортчи-талабалар Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида куч, эчиллик, тезлик бора-бора ҳалол беллашиб, юксак спорт маҳоратини намойиш этдилар. Беллашувлар жараёнида иқтидорли спортчилар 176 олтин, 176 кумуш ва 191 бронза медалларига сазовор бўлди.



тин медал билан бойтиганимдан бахтиёрман. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Универсиада — 2010» иштирокидаги йўллаган табриги кайфиятимизни ва руҳимизни янада кўтариб юборди. Ёшлар учун камолот ва бирдамлик байрамига айланиб кетган мазкур Универсиада бир умр хотирамда қолади. Қўлга киритган муваффақиятим мени янги марраларни забт этишга ундайди. Ҳа, мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялашдек эзгу мақсад йўлидаги улкан ишлар ўз самараларини бермоқда. Бугун соғлом турмуш тарзи, спорт ва юксак маънавият каби муштарак тушунчалар ёшларимиз ҳаётининг замирига айланди. Буларнинг барчаси юртимизнинг эртанги қуни, тараққиёти учун маъсулятини ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлод вояга етатганининг ёрқин далолатидир.

...Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» стадиони байрамона безатилган. Стадион давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, машҳур спортчилар, ота-оналар, талаба ва ўқувчи-ёшлар билан тўла. Мусика садолари янгради. «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган байрам тадбири бошланди. Майдонга биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар, энг яхши натижа кўрсатган спортчилар кириб келади. «Универсиада — 2010» голибларини тақдирлаш маросими дилларга ҳаяжон бағишлайди. Беллашувлар натижаларига қўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Андижон вилояти, учинчи ўрин эса Навоий вилояти вакилларига насиб этди. Стадион ёшларнинг шўх-шодон қийқи-

ригига тўлади. Барча голибларни қўтлайди. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари спорт мусобақалари голибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари топширилади. Энг қадри, энг нуфузли совға — Президентимиз Ислам Каримовнинг «Универсиада — 2010» қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нуҳуси билан мусобақа голиби — Тошкент шаҳри терма жамоаси тақдирланди. Энг юқори уч ўринни эгаллаган голиб жамоаларга Президент совғаси — «Дамас» автомобиллари тақдим этилди. Универсиаданинг турли номинациялари бўйича энг юқори натижаларни қайд этган спортчиларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. — Мусобақалар кескин ва мурасасиз ўтди, — дейди теннис бўйича олтин медал соҳибаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси Дилёра Саидхўжаева. — Беллашувларда голиб чиқиб, Тошкент шаҳри терма жамоаси газнасини ол-

йўлидаги улкан ишлар ўз самараларини бермоқда. Бугун соғлом турмуш тарзи, спорт ва юксак маънавият каби муштарак тушунчалар ёшларимиз ҳаётининг замирига айланди. Буларнинг барчаси юртимизнинг эртанги қуни, тараққиёти учун маъсулятини ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлод вояга етатганининг ёрқин далолатидир. ...Стадион узра таралаётган куй оҳангиди Универсиада байроғи Универсиаданинг навбатдаги мезбони — Бухоро вилояти вакилларига топширилади. Тадбирда санъаткорлар ихросида Ватан, ёшлик ва спортни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди. Хусниддин БЕРДИЕВ, Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Маъсуд СУЛаймонов, ЎЗА мухбирлари

Мулоҳаза

Ҳадис ва мақол тажассуми

Халқимизнинг маънавий мероси хазинасида халқ оғзаки ижодининг ўрни беқийс. Асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб, эзгуликка, ҳалол ва пок ҳаётга, илм олишга, топқирликка, қорлаб келган оғзаки ижод намуналари ҳамон ўзининг шарафли вазифасини адо этишда давом этмоқда. Куйида биз мақоллар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Мақол шаклан қисқа, мазмунан кенг қўламли жанр ҳисобланиб, ўзида халқнинг ҳаёт ҳодисаларидан олган хулосаларини, руҳий ҳолатини, этик ва эстетик туйғуларини, ижобий фазилатларини муҳассамлаштирилади. Маълумки, диёримизда илм-фаннинг тараққиёти этиши, буюқ алломалар этишиб чиқиши ислом дини, маданияти билан узвий боғлиқ. Жуда кўп мақолларимизда ҳадисларда ифодаланган ҳаётий йўл-йўриқларнинг қисқа ифодасини кўриш мумкин. Масалан, ҳадислардан бирида: «Ким илм талабиди бир йўлга қадам қўйса, Аллоҳ таоло у

бандага жаннат йўлини осон қилади», — дейилган. «Олим бўлсанг — олам сенники», «Олимга олам ёруғ», «Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар» каби мақол-етик ҳам юқоридида фикрни ифода этади. Яна бир ҳадисда: «Агар инсон вафот этса, амали кесилди. Магар уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳақиқа дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», — дейилган бўлса, халқда «Олимга ўлим йўқ» деган мақол бор. Кўриниб турибдики, юқоридидаги ҳадис ва бу мақолнинг маъноси орасидаги мазмун ўзаро яқин. Яъни илм ки-

Фестивал

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан икки йилда бир марта «Ўзбекистон, сени қўлайман» санъат фестивали ўтказиб келинапти. Фестивалда қасаба уюшмалари бадиий қаваскорлик жамоаларида ижод қилаётган, куй-қўшиқлари билан юрт истиқболи, тинчлик ва раванқини меҳнатқашлар ўртасида кенг тарғиб этаётган санъат ижтимоидари иштирок этиши мумкин.

Қўшиқларда ватан мадҳи

Мазкур фестивалнинг 2-босқичи Зомин туманида ҳам бўлиб ўтди. Таълим ва фан ходимлари туман бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ушбу тадбирни ҳар томонлама мазмунли ва намунали ўтказиш учун шароит яратди. Тадбирда тумандаги мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари фаол қатнашди. Болалар ижодиёти маркази ўқитувчиси Абдуназар Дувланов олий ўринни, қўшиқ йўналиши бўйича Жумагул Жангирова, Сайёра Тўраева, Барно Ўринбоева совринли ўринларни қўлга киритди. Рақс йўналишида Дилафрўз Эргашева, Мавлуда Норбоева, Шоҳида Ҳасанова голиб бўлди. Улар фестивалнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Голибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. А.СОДИҚОВ

«Бахтиёр болалик» айланма кроссворди

Large crossword puzzle grid with decorative border and a photo of children in the center.

Шаклда белгиланган хонадан рақам аτροφига соат мили йўналишида: 1. Ўзбекистон телерадиокорпорацияси қошидаги машҳур болалар катта хори. 2. Академик адиб, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ёшлик йиллари ҳақида ёзган қиссаси. 3. Болаларнинг тебранувчи мосламаси. 4. Таниқли муаллим шoirи. «Уч буталоқ ва сирли қўвоқ» тўплами муаллифи. 5. Куч ва чакқонлик талаб қиладиган авлоднинг камолга етказадиган спорт машқлари мажмуи. 6. Таваллуд қуни муносабати билан болалар китобхонлиги қуни ўтказиладиган, дунёга машҳур даниялик эртақчи адиб. 7. Мактаб ўқувчиларининг ёғи таътилда дам олиш маскани. 8. Ўзбекистон Халқ шoirи Анвар Обиджоннинг «Олтин қоракли Автобон» қиссаси асосида суратта олинган болаларга аталган филм қаҳрамони. 9. Урта аср инглиз адиби Жанатан Свифт фаолиятини юқори чўқисини ҳисобланувчи асари қаҳрамони. 10. Машҳур «Чипполинонинг саргузаштлари» асари муаллифи, атоқли италян болалар адиби. 11. Дунёда кенг оммалашган тўпчи спорт ўйини. 12. Тенгдош, дўст қизлар. 13. Худойберди Тўхтабоевнинг жаҳон тилларига таржима қилинган «Сарик девни миниб» саргузашт асари қаҳрамони. 14. Еш авлодга билим ва тарбия берувчи, устоз. 15. Тансиқ егулик номи билан аталувчи сеvimли эртақ. 16. Атоқли болалар шoirи Куддус Мухаммадий ёзиб қолдирган болаларнинг она табиатта мейр-муҳаббат руҳида тарбияланиш, қувноқ кулги билан йўғирилган асари номида: «... алифбоси». 17. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ҳомиюлигидаги болалар ташкилоти. 18. Ватанимизда жо-

рий йилга берилган номдан «... авлод йили». Баркамол. 19. Халқ оғзаки ижодида хос қадимий жумбоқ жанри. 20. Болаларнинг энг сеvimли ширинлиги. МУАММОНОМА Аввало, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг. 1. Мамлакатимизда нашр этилаётган адабий - бадиий беэақли болалар журналы - 13, 6, 12, 5, 9, 1. 2. Инок, аҳиллик билан боланган кишилар - 2, 14, 20, 22. 3. Спорт ўйини анжومي - 27, 11, 17, 22, 11, 27. 4. Қизалоқлар ўйинчоғи - 16, 14, 23, 4, 3, 8, 11, 16. 5. Қимсаннинг фарзандини тарбиялаб, улғайтирган аёл - 18, 1, 9, 16, 9. 6. Тантанали, шодийна кун - 7, 9, 26, 3, 9, 19. 7. Халқ мақолларидан: Фёлий кенг кишининг кўнгли қаримас, Болалик уйдан бахт, шодлик 9, 3, 4, 10, 9, 20. 8. Одам умрининг - 12, 9, 21, 21, 9, 22, 4, фарзанд. 9. Бир 25, 5, 10, 4, қиз 24, 22, 22, 4 ўғилга баравар. 10. 25, 11, 10, 12, 27. бекор ўтмасдан кўп хўнарни билиб ол. Умринг зөө кетмасдан элга хизмат қилиб қол. Энди шакл атропофи ва ички қисмидаги рақамларни калит сўзлари жавоблари асосида харфлар билан алмаштириш билан муаммонони ҳал этиб, Доғистон Халқ шoirи Расул Ҳамзатов қаламига мансуб тўрт мисра ҳикматни билиб олишга муваффақ бўласиз. Фозилжон ОРИПОВ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши тармоқнинг Тошкент тумани бўйича вакили Ҳалима Сайдалиевага ўғли Равшанжон ТОЛИПОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

«Уведомляем всех заинтересованных лиц, что ДХО «YANGI-AVLOD FORUM» с 01.07.2010 будет ликвидировано».



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73 Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Navbatchi muharrir: A. Toshev Navbatchi: Sh. Addusamadov Musahhah: S. Shodiyeva Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvisida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta o'qituvchisi, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikri ta'biriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. (h) - Tijorat materiallari Bosishta topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.20. Buzortma Γ — 551 16301 nusxada bosildi ISSN 2010-5002 2 3 4 5